

Қуръони карим инсониятни саодатга элтувчи муқаддас каломдир



16:06 / 23.11.2018 3681

Исмоил Муҳаммад Содиқ:

Қуръони Карим — Аллоҳ таолонинг инсониятни дунё ва охира
саодатига элтувчи муқаддас каломидир. Пайғамбаримиз
соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръони Каримни Аллоҳ таолодан
қабул қилиб олиб, умматларига омонат ила етказганлар, уни
ҳаётга татбиқ этиб кўрсатганлар. Пайғамбарларнинг
меросхўрлари бўлган уламои киромларнинг вазифаси ушбу
илоҳий омонатни — Қуръон ва суннатни халққа етказиш бўлиб
келган ва келмоқда. Қуръони Каримни ўрганиш, ёд олиш ва
ўргатиш Исломда энг улуғ ибодат саналади. Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Сизларнинг энг яхшиларингиз — Қуръонни ўрганган ва ўргатганларингиздир”, дея марҳамат қилганлар. Шунинг учун қадим тарихимиз давомида Қуръони Карим ўқилмаган, Мусҳафи шариф кирмаган хонадон бўлмаган.